

4-Мавзу: ЕР ТУЗИШНИ ЛОЙИХАЛАШНИНГ АВТОМАТЛАШГАН ТИЗИМЛАРИ ТАРКИБИ ВА ВАЗИФАЛАРИ (10 соат)

Режа:

- 1. ЕТЛАТнинг асосий элементлари таркиби.**
- 2. Бошқаришнинг муроқатли тизими.**
- 3. Лойиҳачини методологик қўллаб қувватлаш.**
- 4. Графикавий ва атрибутив (хусусий) маълумотларни киритиш ва ўзгартириш.**
- 5. Лойиҳаловчи пастки тизимлар.**
- 6. Маълумотларнинг автоматлаштирилган банки.**
- 7. Графикавий материалларга ва у билан боғлиқ ўлчамларга аналитик ишлов бериш тизими.**
- 8. Сўров-маълумот хизмати тизими.**
- 9. Ижодий вазифаларни моделлаштириш.**

**4-мавзу.5-маъруза:
ЕР ТУЗИШНИ ЛОЙИХАЛАШНИНГ
АВТОМАТЛАШГАН ТИЗИМЛАРИ
ТАРКИБИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**

РЕЖА:

- 1. Сўров-маълумот хизмати тизими.**
- 2. Ижодий вазифаларни моделлаштириш.**

Ўтилган мавзу бўйича блиц саволлар

1. Маълумотлар базасини шакллантиришда қандай тамойилларга амал қилиш керак?
2. Графикавий ва у билан боғлиқ ўлчамли маълумотларга аналитик ишлов бериш тизимининг асосий вазифаларини аниqlанг.
3. Интеграллаштирилган маълумотларга ишлов беришга асосланган, кенглик масалаларига мисоллар келтиринг?
4. Мавзули хариталаш тизими элементи қандай вазифаларни бажаради?

Маъруза машғулотини ўқитиш технологияси

Талабалар сони 106 нафар	4-мавзу: 5-маъруза, 2 соат
Ўқув машғулотининг шакли	Маъруза-ахборот
Машғулотнинг режаси	<ol style="list-style-type: none">Сўров маълумот тизими элементи.Айрим ижодий функцияларни моделлаштириш тизими
Машғулотнинг мақсади: Графикавий материалларга ва у билан боғлиқ ўлчамларга аналитик ишлов бериш тизими тўғрисида тассавурни шакллантириш	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:
<ol style="list-style-type: none">Сўров маълумот тизими элементи. тўғрисида тушунчалар беради.Айрим ижодий функцияларни моделлаштириш тизими тўғрисида тушунчалар беради.	<ol style="list-style-type: none">Сўров маълумот тизими элементи тўғрисида тассавур шаклланади.Айрим ижодий функцияларни моделлаштириш тизими тўғрисида тассавур шаклланади
Ўқитиш услуги ва техникаси	Маъруза, ақлий хужум
Ўқитиш воситалари	Доска, тарқатма материаллар
Ўқитиш шакли	Жамоа бўлиб ишлаш
Ўқитиш шарт шароити	Проектор ва компьютер билан жихозланган ўқув хонаси
Мониторинг ва баҳолаш	Блиц сўров


МАЪРУЗАНИНГ ТЕХНОЛОГИК ҲАРИТАСИ

Иш босқичлари	Фаолият турлари	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1 босқич Ўқув машғулотига кириш 20 дақиқа	Мавзу номи, мақсади, кутилаётган натижаларни, фойдаланиш мажбуриятлари етказилади. Машғулот маъруза ахборот шаклида олиб борилиши маълум қилинади	Тинглайдилар ва ёзиб оладилар
2 босқич Асосий қисм 50 дақиқа	2.1.Мвзу режаси асосий тушунчалар билан танишиб чиқиш таклиф этилади. 2.2. Маъруза слайдлар Power Point тартибида намойиш этилади, ҳар бир слайд шарҳланади (диаграммалар, жадваллар) Мавзуга жалб қилувчи саволлар берилади. 2..3.Мавзу режалари бўйича хulosалар қилинади. Керакли маълумотларни дафтарда қайд этишлари кераклиги ёдга солинади. 3. Мавзуни ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш мақсадида тезкор сўров ўтказилади. (1-илова)	Ўқийдилар Тинглайдилар, асосий маълумотларни дафтарга ёзиб оладилар, саволлар берадилар Талабалар жавоб берадилар
3 босқич Якуний босқич 10 дақиқа	3.1. Мавзу бўйича умумий хulosса қилади. Мавзунинг касбий фаолиятидаги аҳамияти ва ўрнига талабалар эътиборини қаратади. 3.2. Мустақил иш учун топшириқ берилади. (2-илова)	Тинглайдилар Топшириқни ёзиб оладилар

ЕТЛАТ ЭЛЕМЕНТЛАРИ ТАРКИБИ

Белгилар	Номлари
EA	Бошқаришнинг мулоқатли тизими
EU	Лойиҳачини услубий қўллаб-қувватлаш тизими
EG	Бошланғич план-харита материалларини киритиш ва олдиндан қайта ишлаш тизими
ET	Атрибутив (хусусий) маълумотларни киритиш тизими
EP	Графикавий ва атрибутив маълумотларни ўзгартириш тизими
EC	Лойиҳаловчи тизимлар (айрим муаммоли ер тузиш масалаларини ечишни таъминловчи пастки тизимлар тўплами)
EK	Маълумотларга автоматлашган ишлав бериш ва тартибга келтириш тизими
EH	Ерни баҳолаш тизими; кадастр кўрсаткичларини ҳисобга олиш ва ишлав бериш
EO	Ечимлар варианatlарини баҳолаш тизими
ES	Меъёрий баҳолаш тизими
EBT	Атрибутив маълумотларнинг автоматлаштирилган банки
EBG	Графикавий маълумотларнинг автоматлаштирилган банки
EBX	Намунавий ечимларнинг автоматлаштирилган банки
ER	Графикларга ва улар билан боғлиқ ўлчамларга аналитик ишлав бериш тизими
EM	Мавзули карталаш тизими
EZ	Сўров-маълумот хизмати тизими
EE	Айрим ижодий функцияларни моделлаштириш тизими

ЕТЛАТ нинг умумлаштирилган блок-чизмасида таркибдаги элементларнинг жойлашуви



Сўров-маълумот хизмати тизими

Ушбу тизим (**EZ элементи**) танланган МББТ имкониятларидан ҳамда мос интерфейс дастурларидан фойдаланиб, маълумотларни қуидагилар асосида олиш имкониятини таъминлашга қаратилган.



максус рўйхатлардан фойдаланиб, олдиндан аниқланган сўровлар асосида

ҳисоботлар генераторларидан (тўпловчилар) фойдаланиш (янги ҳисобот жадвалларини шакллантириш учун) асосида

максус тил воситаларидан (SQL сўровлар) фойдаланиш асосида

Сўров-маълумот хизмати тизим

Ностандарт
ер тузиш
сўровлари
пастки
тизими
(EZ-элементи)
ёрдамида
қўйидагилар
амалга
оширилади:

максус ер фондларини шаклантириш бўйича
бошқарув қарорларини қабул қилиш

корхоналарни қайта ташкил этиш бўйича
бошқарув қарорларини қабул қилиш

ерларни қайта тақсимлаш билан боғлиқ турли
хил ер тузиш ишларини бажаришга оид
бошқарув қарорларини қабул қилиш

табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини
амалга ошириш бўйича бошқаруш қарорлари
қабул қилишга оид масалалар мажмуи

ер муносабатларини тартибга солишнинг янги
ҳуқуқий ва иқтисодий механизмини тадбиқ
етиш бўйича масалалар мажмуи

Ижодий
вазифаларни
моделлаштириш
тизими
(ЕЕ элементи)

Ушбу элемент тизимнинг ҳар
қандай элементи билан
ишлашда, қачонки
изланаётган ёчим берилган
масала учун
формаллаштирилган
алгоритмлардан ташқарида
ётсагина фойдаланилади.

Ижодий ишларни
моделлаштириш пастки
тизимида топқирлик
концепцияси тўла амалга
оширилади.

Юқори малакали мутахассислар фаолиятини тақрорловчи автоматлаштирилган интерпретация технологиясини рўёбга чиқариш тақсимланган сунъий интеллект тизимлари шаклида амалга оширилади

**. Бундай тизим
(ЕЕ
элементи)нинг
дастурний
таъминоти
иккита қисмни
ўз ичига олади**

автоматлаштирилган
интерпретациялашнинг турли ҳил
масалаларини ёчиш учун мўлжалланган
ишлов берувчи дастурлар интеллектуал
мажмуалари тўплами

эксперт тизимлари йифиндиси

Эксперт тизимлари **(ЭС)** нимани ифодалайди

(ЭС) - бу нафақат маълумотларни, балки, билимларни ҳам қайта ишлашни таъминлавчи дастурлардир. ЭС нинг асосий блоки – билимлар базаси, мантиқий ечимлар механизми, маълумотлар банки ва «**инсон–ЭҲМ**» интерфейсларири. Билимлар турли хил шаклларда, билимлар базасида йиғилиши мумкин. бунда «**Агар–унда**» туридаги муносабатлар энг кўп тарқалган қоида шакли ҳисобланади.

Билимларни кўрсатишнинг бошқа шакллари – семантик тармоқлар, рўйхатлар ва б.к. Билимлар базасидаги ҳар бир ёзув ўзида экспертлардан, дарсликлардан, фойдаланувчилар учун кўрсатмалардан ва бошқа манбалардан олинган хусусий маълумотларни ифодалайди.

Эксперт тизимлари (**ЭС**) нимани ифодалайди

Маълумотлар банки ечилаётган муаммонинг ҳозирги ҳолати тўғрисидаги маълумотларни сақлайди. У, ўз ичига бошланғич ва ишлаб чиқаришдан янгидан олинган маълумотларни, дедуктив занжирларни олади.

Мантиқий ечимлар механизми ўзида қўйилган масалани ечиш жараёнида маълумотлар банкини ва билимлар базасини бирлаштирувчи звенони (бўлимни) ифодалайди. У ўз ичига қоидалар, назорат стратегиялари, ҳаракат режаларини интерпретациялаш ишларини олади. Масалани ечиш жараёнида билимлар базасидаги ахборотлар автоматлаштирилган банқдаги мавжуд маълумотлар билан солиштирилади, бундай солиштириш оралиқ натижалардан фойдаланган ҳолда, кўп марталаб ўтказилади.

**Эксперт
тизимларида
алоҳида
эътибор
қандай
тамойилларга
қаратилади?**

Қарорни, агар унинг билими ва тажрибаси дастурга киритилган имкониятларидан юқори бўлса инсон қабул қиласди

Тизим ва фойдаланувчи ўртасидаги муроқат шундай кўринишда бўлиши керакки, бунда фойдаланувчи нафақат тизим саволларига жавоб бериши, балки ўзи ҳам унга **«нима учун?»** **«қандай қилиб?»** **«нимага йўқ?»** **«агар...»** каби саволларни бериши мумкин бўлсин. ЭТни лойиҳалашда уни барча зарур қисмларини (мантиқий чиқариш қурилмалари, билимлар базаси, билимларни олиш, тушунтириш ва муроқат қисмлари) тўла мустақил қилиб ишлаш зарурати йўқ

Интеллектуал мажмуалар нималар асосида яратилади?

Интеллектуал мажмуалар функционал дастурлаш тамойилларида яратилади. Маълумотларга ишлав бериш жараёнлари билимлар базасини яратади. Улар ҳисоблаш жараёнини амалга ошириш вақтида аниқ маълумотларга ишлав беришга қаратилган, ўзида йўналтирилмаган графани ифодаловчи, функционал семантик тармоқ шаклида амалга оширилади. Демак, аниқ масалаларни ёчишда маълумотларга ишлов бериш қатъий эмас, балки, ўзи тўғриланадиган графалар бўйича бажарилади. Улар автоматик тарзда шакллантирилади, ўта мураккаб вазиятларда эса мутахассис қатнашувида, қўйилган талаблар, бошланғич маълумотлар таркиби ва қатор текширилладиган шароитлар ҳамда чеклашлардан келиб чиқиб шакллантирилади.

Эксперт тизимлари нимани рўёбга чиқаради?

Эксперт тизимлари мутахассис – экспертларда мавжуд тахлил қилиш, умумлаштириш ва хулосаларни шакллантириш бўйича шаклланган маҳсус билимларни ва назарий асосланган математик жараёнларни қўллаб, билимлар базасидан фойдаланиш асосида, **маълумотларга чуқур автоматлаштирилган ишлов бериш ва қарорларни шакллантириш** тамойилларини рўёбга чиқаради.

Юқорида келтирилган ёндошувларга мос тарзда, ЕТЛАТ ишини барча у билан мантиқий боғланган функционал тизимлар билан интеграциялаш, унинг айрим элементларини концептуал ва физик лойиҳалашни амалга ошириш, ер тузишнинг айрим ташкил этувчиларини автоматлаштиришнинг оқилона ва унификацияланган моделини яратиш ва шунинг ҳисобига малумотлар ортиқчалигини нафақат айрим пастки тизимларда, балки, бутун тизим ичida тугатишга эришиш мумкин. Бу эса лойиҳачилар меҳнати унумдорлигини ва ишланаётган лойиҳалар сифатини кескин ошириш имконини беради.

Шундай қилиб, барча турдаги ер тузиш ишлари учун ягона маълумот кенглигини яратиш бўйича аниқ қадам ҳамда автоматлаштирилган ер тузишни лойиҳалаш, хариталаш ва Давлат ер кадастрини юритишни босқичма - босқич амалга ошириш учун пойdevor қўйилади.

Ўтилган мавзунинг ўзлаштирилганлик даражасини аниқлаш учун саволлар?

1. Сўров-маълумот хизмати тизимининг мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
2. Стандарт ва ностандарт ер тузиш сўровлари пастки тизимларида қандай мажмуалар бўлиши керак?
3. Ижодий вазифаларни моделлаштириш тизимининг дастурий таъминотига қандай қисмлар киради?
4. Интеллектуал мажмуалар ва эксперт тизимлари маълумотларга ишлов бериш ва қарор қабул қилишнинг қандай тамойилларини қўллайди?

Мустақил иш учун топшириқ

**1.ЕТЛАТ китобидаги V-Боб «ЕТЛАТнинг
асосий элементлари таркиби ва вазифалари»
мавзусини ўқиб ўрганиш.**

**2.64- бетдаги назорат саволларига жавоб
бериш ва топшириқларни бажариш.**